

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020 Tib102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗЕЙНИТДИНОВА ЗИЁДА АСКАРОВНА**

**COVID-19 (SARS-CoV-2) ДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИДАГИ ПАТОЛОГИК  
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АСОСИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.21–Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд–2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertations abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Зейнитдинова Зиёда Аскарровна**

COVID-19 (SARS-CoV-2) да оғиз бўшлиғидаги  
патологик морфофункционал ўзгаришларнинг асосий  
жиҳатлари..... 3

**Зейнитдинова Зиёда Аскарровна**

Основные аспекты патологических морфофункциональных  
изменений полости рта  
при COVID-19 (SARS-CoV-2)..... 23

**Zeynitdinova Ziyoda Askarovna**

The main aspects of pathological morphofunctional  
changes in the oral cavity  
with COVID-19 (SARS-CoV-2)..... 43

**Эълон килинган ишлар руйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020 Tib102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗЕЙНИТДИНОВА ЗИЁДА АСКАРОВНА**

**COVID-19 (SARS-CoV-2) ДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИДАГИ ПАТОЛОГИК  
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АСОСИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.21–Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд–2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020.4.PhD/Tib1553 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ризаев Жасур Алимджанович**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Беленова Ирина Александровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **И.П. Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург**  
**Давлат Тиббиет Университети (Россия)**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи **DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02** рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140100, Самарқандшаҳри, Амир Темуркўчаси, 18уй.Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz

Диссертация автореферати 2023 йил“ \_\_\_\_\_ “ \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.У. Лутфуллаев**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Г.У. Самиева**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Т. Насретдинова**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ фалсафа доктори(PhD)диссертацияси аннотацияси.

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** COVID-19 гриппга ўхшаш енгил иситма, қуруқ йўтал, чарчаш, мушак оғриғи ва диарея симптомларидан тортиб, оғир пневмониягача булган ташхислар билан тавсифланадиган, катталарда респиратор дистресс-синдромгача (ЎРДС) ривожланадиган жиддий белгиларгача бўлган қатор симптомлар билан намоён бўладиган хасталиклардир. Бугунги кунда стоматологиянинг долзарб муаммоларидан бири - бу стоматологик касалликларнинг COVID-19 билан боғлиқлиги "... таъм сезишнинг бузилишини ифодаловчи орал белгилар ва симптомлар, оғиз бўшлиғининг номахсус яралари, дескваматив гингивит, петехия ва кандидоз каби коинфекциялар"<sup>1</sup> тўғрисидаги масаладир. Клиник белгиларнинг тарқалганлиги ҳали ҳам номаълум, бундан ташқари, стоматологик муаммолари бўлган одамлар коронавирус инфекциясини юқтириш жиҳатидан хавф гуруҳига киради, оғиз бўшлиғида COVID-19 нинг намоён бўлиш спектри жуда долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда турли хил соматик касалликлар фонида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг касалликлари ривожланишига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд. Шу билан бирга, хорижий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, турли гуруҳларда коронавирус инфекцияси билан текширилган беморлар турли этиологик сабабларни кўрсатишади ва шунинг учун COVID-19 фонида оғиз бўшлиғи зарарланишларини даволаш ва ташхислашнинг такомиллаштирилган аниқ ва мукамал усули мавжуд эмас. Вирусли инфекциялар фонида оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари патогенезининг долзарблиги, COVID-19 билан касалланган беморларда ўтказилган илмий тадқиқотларнинг етарли даражада эмаслиги ва ушбу патологиядан азият чекадиган беморларнинг кўплиги ушбу диссертация ишига мавзу танлашни белгилаб берди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, хусусан, стоматологик касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш, шунингдек ушбу патология билан оғриган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди: тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва улардан фойдаланиш имкониятини ошириш; соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш орқали амалга ошириш; ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини жорий этиш..."<sup>2</sup>. Бу вазифалар замонавий тиббий ёрдам кўрсатишни янги босқичга кўтариш, аҳоли ўртасида стоматологик касалликларнинг асоратларини ташхислаш ва даволаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий технологиялардан фойдаланиш каби чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш учун устувор йўналишларни белгилаб беради.

<sup>1</sup>Chai.X. et al. Specific ACE2 Expression in Cholangiocytes may Cause Liver Damage After 2019-nCoV Infection. <https://doi.org/10.1101/2020.02.03.931766>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5590-сон Фармони

Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида”ги 5274-сонли фармойиши ҳамда мазкур доирада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Оғиз бўшлиғи вирусни нафас йўллари, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, тил ва сўлак беши каби ангиотензинга айлантурувчи фермент (ACE2) рецепторлари билан боғлайдиган ҳужайраларга махсус яқинлиги туфайли SARS-CoV-2 инвазияси учун идеал муҳит эканлиги тахмин қилинади. Яқинда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ангиотензинга айлантурувчи фермент рецепторлари (ACE2) COVID-19 вируси (калит) учун функционал рецептор (қулф) ҳисобланади. ACE2 рецепторлари қон босимини тартибга солиш учун асосий нишон сифатида яхши маълум (Cui, J., Li, F. & Shi, Z. L. Cui, J., Li, F. & Shi, Z. L., 2019). Бошқа тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ACE2 рецепторлари тананинг турли органларида юқори даражада экспрессияланган. Тадқиқот унинг бурун ва оғиз шиллиқ қаватида, айниқса тилда намоён бўлишини таъкидлайди. Ушбу органларга COVID-19 юқиш хавфи юқори бўлиши мумкин (Kaufman, E. & Lamster, I. B., 2020). Ушбу тадқиқотда иккита оммавий геном маълумотлар базаси текширилди ва оғиз шиллиқ қаватида ACE2 рецепторларини текшириш ва тасдиқлаш учун битта ҳужайрали транскриптом таҳлили ўтказилди.

Оғиз бўшлиғи орқали SARS-CoV-2 юқишининг асосий йўли, стоматология амалиётида юқишининг жуда хавfli оқибатлари ва ташхис қўйиш учун сўлакдан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида бир нечта илмий мақолалар мавжуд. SARS-CoV-2 юқиши оғиз бўшлиғи билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар, масалан, гапириш, нафас олиш, йўталиш, аксириш ва ҳатто қўшиқ айтиш орқали содир бўлиши мумкин бўлса-да, асосий эътибор бурун-ўпка инфекцияси ўқиға қаратилган (Chaux-Bodard A.G., Deneuve S., Desoutter A., 2020).

Таъм сезишнинг йўқолиши, оғизнинг қуриши ва оғиз бўшлиғи зарарланиши каби оғиз бўшлиғи белгилари COVID-19 ҳолатларининг ярмида яққол бўлса-да, SARS-CoV-2нинг тўғридан-тўғри сўлак безлари (SG) ёки шиллиқ қават каби оғиз бўшлиғи тўқималарига юқиши ва кўпайиши номаълумлигича қолмоқда. Бу жуда муҳим, чунки агар улар бирламчи инфекция жойлари бўлса, пневмония ва ичак яллиғланиш касалликлари каби

бошқа микробли касалликларда тахмин қилинганидек, вирус сўлак орқали ўпка ёки ошқозон-ичак трактига узатилишида муҳим рол ўйнаши мумкин. SARS-CoV-2 инфекцияси пайтида атипик клиник кўринишларнинг, шу жумладан дерматологик ва оғиз белгиларининг кўпайиши қайд этилган. Кам яллиғланишли тромбоген васкулопатияда комплемент C5b-9 ва C4d компонентларининг чўкиши ва уларнинг COVID-19 гликопротеинлари билан бирга жойлашиши Magro C. ва бошқалар томонидан кўрсатиб берилган (2021). Шиллик қаватнинг зарарланиши ушбу механизмларнинг комбинациясидан келиб чиқади, деб тахмин қилиш оқилонадир.

COVID-19 бўлган беморларда таъм сезишнинг бузилиши энг кўп учрайдиган оғиз бўшлиғи симптоми ҳисобланади, бу, эҳтимол, ринит кўзгатувчилари томонидан чақирилган маҳаллий яллиғланиш реакцияси туфайли юзага келиб, таъм сезиш рецепторларининг меъёрий функциясига халақит бериши мумкин. Бундан ташқари, SARS-CoV-2 инфекцияси пайтида оғиз шиллик қаватининг зарарланиши тасвирланган. Martín Carreras-Presasetal томонидан хабар қилинган SARS-CoV-2 беморларида оғиз бўшлиғи зарарланишининг биринчи тавсифидан (2019) кейинги бир қанча тадқиқотларда ҳам COVID-19да яралар, афталар ва доғлар каби оғиз шиллик қаватининг зарарланишлари ҳақида хабар берилган. SARS-CoV-2 инфекцияси пайтида оғиз бўшлиғи шиллик қавати шикастланишининг клиник аҳамияти мунозарали бўлиб қолмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг №012000260 “Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга инсон касалликларининг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш” илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган(2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади:** COVID-19 билан касалланган беморларни оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг морфофункционал, патологик ва вирусли зарарланиш жihatларини аниқлаш ва комплекс даволашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

COVID-19 (SARS-CoV-2) фонида оғиз бўшлиғининг вирусли зарарланишлари клиник кечишидаги ўзгаришларни аниқлаш;

COVID-19 билан касалланган беморларда қоннинг гематологик ва биокимёвий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, оғиз бўшлиғининг маҳаллий резистентлик ва иммунологик реактивлиги омилларини баҳолаш;

аралаш сўлакнинг ҳужайравий таркиби ва микрофлораси ҳолатини, шунингдек, COVID-19 да лунж шиллик қавати эпителийсининг цитологик манзарасини ўрганиш;

COVID-19 фонида оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг вирусли зарарланиши бўлган беморларни комплекс даволаш самарадорлигини такомиллаштириш ва баҳолаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Республика махсус “1-сон Зангиота шифохонаси” соматик булимида ва Самарканд вилояти Юқумли касалликлар шифохонасида даволанган 18-74 ёшдаги 119 нафар беморлар. Булар асосий гуруҳни ташкил этди, назорат гуруҳида эса, 18 нафар соғлом одамлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети:** умумий клиник, иммунологик, микробиологик ва цитологик усули учун оғиз бушлиғи шиллик кавати, беморларнинг веноз қони ва оғиз суюқлиғи ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, иммунологик, микробиологик, цитологик, ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

COVID-19да патогенетик ва функционал бузилишлар ва ОБШҚнинг жадал кечадиган кенг эритематоз, эрозив ва ярали зарарланишлар билан намоён бўладиган функционал ҳолати ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

COVID-19 билан касалланган беморларда организмнинг турли тизимларида цитокинлар ҳужуми натижасида келиб чиққан гемостаз тизимининг қон томир-тромбоцитар ва прокоагулянт бўғинларида турғун бузилиш аниқланган;

COVID-19да оғиз суюқлиғида ИЛ-1 ва ИЛ-6 яллиғланиш олди цитокинларнинг концентрацияси, шунингдек лактоферрин концентрациясининг ошиши аниқланган;

COVID-19 фонидаги ОБШҚ касалликлари билан оғриган беморларни комплекс даволашнинг янги схемасининг самарадорлиги жараённинг уткир даври оғирлик даражасининг пасайиши ва латент даврининг узайиши, шунингдек клиник, индекс, иммунобиокимёвий текшириш усуллари кўрсаткичларидаги ижобий динамикаси билан исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

COVID-19да оғиз бўшлиғи аъзоларининг зарарланиш даражасини баҳолашнинг информатив, патофизиологик ва стоматологик мезонлари ишлаб чиқилди;

текширилаётган беморларда ташхисотнинг функционал ва лаборатория усуллари кенгайтирилди, COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш ва ташхислаш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилди ва асосланди;

қўлланилаётган даво самарадорлигини ва даволаш курсини такрорлаш заруриятини аниқлаш учун беморларнинг ҳар томонлама ва динамик мониторингидан иборат бўлган тиббий муолажаларни қўллашнинг патогенетик ва асослантирилган кетма-кетлиги ишлаб чиқилди;

COVID-19 билан касалланган беморларни текширишда олинган натижалар беморларнинг ушбу тоифаси учун клиник тузалиб кетгандан кейин стоматологик текширувни киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини асослайди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланиладиган замонавий усул ва ёндашувларнинг тўғрилиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мослиги,

ўтказилган текширувларнинг аниқлиги, беморларнинг етарлилиги, клиник, биокимёвий усулларда тиббий - статистик материалларнинг асосланганлиги, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар ишлари билан таққосланганлиги, хулосалар ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, COVID-19 билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи ҳолатини ишлаб чиқилган комплекс баҳолаш патогенетик хусусиятларини аниқлаш ва турли хил асоратларни олдини олишга ёрдам беради ва ахборот базаси ҳисобланади.

Ишнинг амалий аҳамияти даволаш-профилактика муолажаларини такомиллаштириш ва реабилитация тактикасини белгилаш имкониятидан иборат. Бу эса, ўз навбатида, ушбу беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини асослайди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** COVID-19да оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати зарарланишининг патогенетик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар амалий соғлиқни сақлашга жорий этилди:

“COVID-19 ўтказган беморларда оғиз бўшлиғи маҳаллий ҳимоя омиллари ва иммун реактивлиги” услубий тавсияномаси тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 16 августдаги 8н-р/1857-сонли хулосаси). Ушбу тавсиянома оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати патологиясининг пайдо бўлишида оғиз бўшлиғи маҳаллий ҳимоя омилларининг патогенетик ролини очиб беради;

“COVID-19 билан касалланган беморларда герпетик стоматитни комплекс даволаш” услубий тавсияномаси тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 16 августдаги 8н-р/1856-сонли хулосаси). Ушбу тавсиянома COVID-19 билан касалланган беморларда орофасциал соҳанинг герпетик зарарланишларини даволашда комплекс терапия самарадорлигини очиб беради.

Олинган натижалар амалий соғлиқни сақлашга, хусусан, Тошкент шаҳридаги “Тўртинчи” МЧЖ стоматология поликлиникаси ҳамда Самарқанд шаҳар стоматология поликлиникаси ДУК фаолиятига татбиқ этилди, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконияти пайдо бўлди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Илмий ишнинг **кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши, чоп этилган нашрлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши очиб берилган.

Диссертациянинг **“Коронавирус инфекцияси ва оғиз бўшлиғидаги клиник белгиларнинг патогенетик механизмлари”** деб номланган биринчи бобида COVID-19 нинг патогенетик ва терапевтик жиҳатлари, муаммолари ҳамда стоматологик касалликларни даволаш масалалари бўйича мавжуд бўлган илмий маълумотларнинг шарҳига келтирилган. Хусусан, касалликни ташхиси ва даволашнинг замонавий жиҳатлари, коронавируси инфекциясининг этиопатогенетик жиҳатлари, COVID-19нинг оғиз бўшлиғидаги патоморфологик кўринишлари, сўлақда вируснинг тарқалишидаги роли кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **“COVID-19 (SARS-CoV-2) да оғиз бўшлиғида ўзгаришлари бор беморларда тадқиқотнинг материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектининг тавсифи, қўйилган вазифалар ечимини таъминлашга ердан берган биокимёвий, клиник-функционал тадқиқот усуллари ва услубий ёндашувлар келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида “Республика ихтисослаштирилган 1-сон Зангиота шифохонаси”, шунингдек, Самарқанд вилояти ихтисослаштирилган “Юқумли касалликлар шифохонаси”га ётқизилган, 18 ёшдан 74 ёшгача бўлган 119 нафар бемор иштирок этди. Улар асосий гуруҳни ташкил қилди. Назорат гуруҳини соматик патологияси бўлмаган 18 та деярли соғлом кўнгиллилар ташкил этди.

### 1-жадвал

#### Беморларнинг жинс ва ёш бўйича тақсимланиши

Ёш	Терапевтик бўлим (асосий гуруҳ)		Жами
	аёллар	эркаклар	
18- 44 ёш	16(13,4%)	13 (10,9%)	29(24,3%)
45-59 ёш	20 (16,7%)	20 (16,7%)	40(33,6%)
59-74	25 (20,92%)	25 (20,9%)	50 (42%)
Жами	61 (34,5%)	58 (48,8%)	119 (100%)

Оғиз бўшлиғи тўқималарининг ҳолати бўйича олинган маълумотларни кўриб чиқиш ва қайд этиш учун ЖССТ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “Катталарда стоматологик статусни баҳолаш картаси” (2013) стоматологик карта ишлатилди. Стоматологик текширув ишлаб чиқилган текшириш картасига мувофиқ, стоматологик креслода сунъий ёриклик остида ва стандарт стоматологик тўплам ёрдамида амалга оширилди.

Клиник текширувда беморнинг шикоятлари (милқдан қон кетиши, милқ четининг шишиши, оғиздан ёмон ҳид келиши, тиш тошлари, тишларнинг патологик қимирлаши ва ҳарорат ва кимёвий таъсирловчиларга сезгирликнинг ошиши, овқатланиш пайтида оғриқ), касалликнинг давомийлиги ва унинг

ривожланиш сабаблари (биринчи белгиларнинг намоён бўлиш вақти, касалликнинг табиати: рецидивларнинг мавжудлиги, уларнинг уткирлашиши частотаси ва ремиссиянинг давомийлиги, илгари даволаш ўтказилганми ва натижалар қандай бўлган), касбий хавф-хатарлар, ўтказилган ва ёндош касалликлар (тизимли касалликларнинг ОБШҚ касалликлари билан боғлиқлиги), ёш, ирсият, зарарли одатларнинг мавжудлиги (чекиш, нарсаларни тишлаш ва бошқ), беморнинг гигиеник кўникмалари аниқланди.

Стоматологик статусни индексли баҳолаш қуйидаги мезонлар бўйича ўтказилди:

1. Green J.C., Vermillion J.R. бўйича оғиз бўшлиғи гигиенасининг соддалаштирилган индексини (ОHI-S) аниқлаш.

2. Рассел бўйича пародонтал индекс (ПИ)

3. Мюллеманн милклардан кон кетиш индекси

Гематологик параметрларни аниқлаш учун биоматериал сифатида ЭДТА билан олинган капилляр қон ишлатилди. Қон намуналарини олиш учун SARSTED (Германия) фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган микрокуветалар ишлатилди. Кўрсаткичларни ҳисоблаш автоматик гематологик анализатор “SYSMEХХТ 2000” (Япония) ёрдамида амалга оширилди.

Қон зардобдаги яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар ишлаб чиқарувчи томонидан таклиф қилинган усулга мувофиқ “Цитокин” фирмасининг тегишли тўпламлари ёрдамида ИФА усули билан аниқланди.

Цитологик текширувда лунж эпителийсидан (буккал эпителий) тайёрланган ва Папаниколау усули билан бўялган суртмалар ўрганилди. Усул гиперхромли бўлиб, у цитоплазманинг етуклик даражасини (етилмаган хужайралардаги кўк-яшил рангдан етук цитоплазмаси бўлган хужайралардаги пушти ва шохланган хужайралардаги тўқ сариқ ранггача) баҳолашга имкон беради, нам фиксация ҳисобига ядролар, хужайра мембранаси ва хроматин структураси яхши сақланади.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш стандарт дастурлар пакети “Excel-2012” ёрдамида IBM типидagi замонавий ҳисоблаш тизимлари ёрдамида амалга оширилди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қийматини (M), ўртача кўрсаткичнинг стандарт хатосини (m), нисбий қийматларни (частота, %) ҳисоблашда вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди. Ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стюдент мезони (t) бўйича аниқланди.

Диссертациянинг **“COVID-19 (SARS-CoV-2) да оғиз бўшлиғидаги патологик ва морфофункционал ўзгаришларда ўтказилган тадқиқот натижалари”** деб номланган учинчи бобида COVID-19 ўтказган беморларда оғиз бўшлиғи касалликларининг намоён бўлишига оид тадқиқот натижалари таҳлил қилинган.

Кузатилган беморлар оғиз бўшлиғида турли хил тошмалар, нуқсонлар, қарашлар, ёриқлар пайдо бўлишига шикоят қилдилар. Бунда оғиз бўшлиғида у ёки бу патологик элементларнинг пайдо бўлиш вақти, тури, жойлашуви таҳлил қилинди.


Беморларнинг кўпчилиги - 115 (97%) нафари, биринчи навбатда, таъм ва

ҳид сезувчанлиги бузилганлигини, шунингдек оғиз бўшлиғида ёмон ҳидни галитозни қайд этишди. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳид ва таъм сезишнинг бузилиши мутлақ ва нисбийдир.

Маълумки, коронавирус инфекцияси таъм ва ҳид сезишнинг вақтинчалик бузилишига олиб келади. Барча беморлар тузалгандан сўнг турли муддатларда таъм сезишнинг тикланишини қайд этишди, беморларнинг 25% (30) эса соғайгандан кейин ҳид сезишнинг пасайишини қайд этишди.

Шунини таъкидлаш лозимки, беморларнинг 85 тасида пародонт касаллиги аниқланди. Беморнинг ёши, ўтказилган коронавирус инфекциясининг оғирлик даражасига кўра, гингивит ва пародонтит қайд этилди. Оғиз бўшлиғи гигиенаси қониқарсиз ҳолатда эди, кўп миқдорда юмшоқ тиш караши, милк усти ва милк ости тиш тошлари аниқланди. Бунда, пародонт касалликларининг ривожланиши ва уткирлашувини антибиотикли терапия ўтказилиши ва оқибатда оғиз бўшлиғи микроорганизмлари балансининг бузилиши билан боғлиқ, деб тахмин қилиш мумкин.

Шундай қилиб, COVID-19 ни ўтказган беморларда оғиз бўшлиғини текшириш натижалари турли хил стоматологик белгиларни намоиш этди. COVID-19 билан касалланган беморларни текширишда олинган натижалар ушбу тоифадаги беморларга клиник тузалиб кетгандан кейин узоқ муддат ўтса ҳам, стоматологик текширувни киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. Шифокор-стоматологнинг вазифаси коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда стоматологик белгиларни ўз вақтида ташхислаш ва оғиз бўшлиғидаги клиник белгиларга қараб уларни даволаш учун энг мослаштирилган алгоритмни танлашдир. Патологик жараён ва унинг асоратлари ривожланишининг олдини олиш учун даволаш-профилактик чора-тадбирларни ўтказиш ва тайинлаш масаласи ҳозиргача очиқлигича қолмоқда. Ҳатто симптомсиз кечувчи COVID-19 ҳам иммунитетнинг заифлашиши ёки аутоиммун жараёнларга мойиллик кўринишидаги узоқ муддатли салбий оқибатлар, шу жумладан оғиз бўшлиғида ҳам кузатилиши қайд этилди.



*1-расм. COVID-19 да беморнинг асосий шикоятлари тавсифи (фоизда)*

Беморлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижасида асосий шикоятлари аниқланди (1-расм). Барча мурожаат қилган беморларнинг 84% да асосий шикояти - оғиз бўшлиғидаги, овқат истеъмол қилганда кескин кучаядиган, оғриқлар бўлиб, беморларнинг 57% да - оғриқ ҳатто гаплашганда ҳам кучайиши кузатилади.

Оғиз бўшлиғи кандидози билан оғриган беморлар (50%), оғриқдан ташкари яна доимий ачишишга (74,6%), айниқса тилдаги ачишишга шикоят қилишди. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг қуриши 58% беморларни безовта қилди, уларнинг пайдо бўлишини беморлар COVID-19 ни даволаш учун доридармонларни қабул қилиш билан боғлашди. Баъзи беморлар COVID-19 билан оғриганидан кейин милкларда қон кетишнинг пайдо бўлиши ва кучайишини қайд этишди. Кўп учраган шикоятлар: оғиз бўшлиғидан ёқимсиз ҳид келиши 60%, тилда қараш ҳосил бўлиши 56% беморларда, лунж ва лабларда яралар пайдо бўлиши бўлди (32,9%).


Асосий гуруҳида худди шундай клиник симптомлар (оғиз бўшлиғи шиллик қаватида везикуляр тошмалар, оғриқли афтлар) билан 16 та бемор ёки гуруҳдаги беморларнинг 13% COVID-19 ташхиси қуйилишидан олдин тугридан тугри стоматологга мурожаат қилган. 10 та беморда оғиз бўшлиғи шиллик қаватидаги везикуляр тошмалар, афтлар қайталанди, 6 та беморда ҳолсизлик ёки бош оғриғи ҳам бирга кечиши кузатилган, 2 та беморда бу ҳолат тана ҳароратининг 38<sup>0</sup>С гача кўтарилиши фониде кечган.

Милкдан қон кетишига шикоятлар 62 нафар бемор томонидан билдирилди, бу гуруҳдаги беморларнинг 52,1%ни ташкил қилади.

Текширувдан сўнг, оғиз бўшлиғи шиллик қаватида, шу жумладан милк шиллик қаватида везикуляр тошмалар ва афтлар билан биргаликда милклардан қон кетиши ва оғриқ бўлган ушбу беморларга “Герпетик гингивостоматит” ташхиси қўйилди.

Беморлар гуруҳидаги 115 та (97,1%) бемор тилда кўп миқдорда қараш (тил қопламаси) ҳосил бўлганлигига шикоят қилди. Улардан 24 таси (20%) бемор оғиз қуришига шикоят қилди. Асосий беморлар гуруҳида 68 та (57,1%) бемор даволаш муолажалари давомида сўлакнинг кўп ажралишига, 48 та (40%) бемор бурундан ҳам ёқимсиз ҳид келишига шикоят қилди.

Шундай қилиб, коронавирус билан оғриган беморларда лаблар герпеси ва герпетик стоматитнинг клиник манзарасида янада яққолроқ субъектив белгилар намоён бўлди.




**2-расм.** Текширилган беморларда оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати, Рассел буйича пародонтал индекс кўрсаткичлари ва Мюллеманн милкдан қон кетиш индекслари

COVID-19 билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи гигиенасининг сезиларли даражада пастлиги қайд этилди. Гигиеник индекси кўрсаткичи

5,6±0,3 ни ташкил этди, назорат гуруҳида у 1,2±0,3 га тенг булди (2-расм). Пародонтал индекс кўрсаткичи ПИ 3,4±0,2 ни ташкил этди, бу пародонт касаллигининг ўртача оғирлик даражасини билдиради. Бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги кўрсаткичдан ишонarli даражада фарқ қилди (0,6±0,2).


Милклардан кон кетиш индексини Мюллеманн усулида аниқлашда беморларда кўрсаткич 2,6±0,5 ни ташкил этди, бу кон кетишнинг учинчи даражасига тўғри келади, назорат гуруҳи кўрсаткичига (0,7±0,3) нисбатан ишончли даражада ( $p \leq 0,05$ ) юқори.

Ковид-инфекцияси бўлган беморларда кариес интенсивлиги кўрсаткичи КПУ юқори, бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан ишончли даражада юқори ( $p \leq 0,05$ ) бўлди.



**3-расм.** Беморларнинг ёшига қараб COVID-19 билан касалланган беморларда тишларни КПУ индекси


Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот натижасида COVID-19 бўлган беморларнинг стоматологик статуси оғиз бўшлиғи санацияси мезонларига мос келмаслиги маълум бўлди. Бундай беморларда шу билан бирга кенг тарқалган эритематоз, жадал кечадиган эрозив, ярали зарарланишлар кўпроқ аниқланди. Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналиши сифатида даволаш чоратадбирлари алгоритмига стоматологик статусни коррекциялаш киритилиши керак. Оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенаси COVID-19 билан касалланган беморларни реабилитация қилишнинг мажбурий босқичи бўлиши лозим.



**4-расм.** Текширилган беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати зарарланиши структураси (фоизда)

Биз текширилган беморларда оғиз бўшлиғи шиллик пардаси зарарланишларининг структурасини таҳлил қилдик. 4-расмдан кўриниб турибдики, ОБШҚдаги зарарланишларнинг вирусли этиологияси 38,9% ҳолларда кузатилди.

Барча беморларда вирусли зарарланишларни ташхислашда ПЗР усули қўлланилди, бунда 20,0% ҳолларда ЦМВ инфекцияси, 49,0% ҳолларда ОГВ-1, 31,0% ҳолларда аралаш инфекция (ЦМВ+ОГВ-1 инфекцияси) аниқланди.



**5-расм.** Оғиз шиллик қавати касалликлари бўлган COVID-19 беморларида ПЗР ёрдамида вирус ташувчиликни аниқлаш натижалари

Диссертациянинг “COVID-19 билан оғриган беморларда цитологик манзара, микрофлора, тизимли яллиғланиш ва иммуногематологик бузилишларнинг айрим маркерларини баҳолаш” деб номланган тўртинчи боби текширилган беморларда айрим яллиғланиш маркерларини ва суртманинг цитологик манзарасини баҳолашга бағишланган. 2-жадвалда келтирилган олинган тадқиқот натижаларининг таҳлили, таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан COVID - 19 билан касалланган беморларнинг қон зардобиди, ИЛ-1 концентрациясининг 3 бараварга ошганини кўрсатади. Оғиз суюқлигидаги ИЛ-1 га нисбатан яққолроқ ўзгаришлар қайд этилди, унда беморларнинг ушбу гуруҳидаги концентрация дастлабки қийматдан 4,4 бараварга ошди. Бу ҳолат оғиз бўшлиғи шиллик қавати хужайраларида кечаётган яллиғланиш жараёнининг интенсивлиги ошганлигини кўрсатади. Шунинг таъкидлаш лозимки, ИЛ-1 нинг юқори қийматлари рецепторли антагонист ва унга қарши аутоантитаналар томонидан назорат қилинади ва касалликнинг сурункали кечиши оқибатида антогонист миқдори камайганлигини кўрсатади. Бунда, улар сурункали, аммо ўткир бўлмаган, яллиғланиш жараёни даражасида яллиғланишнинг интенсивлигини чеклаб, цитокин таъсирининг тўлиқлигини чеклайди.

**2-жадвал**

**Коронавирус инфекцияси бўлган беморларда қон зардобиди ва оғиз суюқлигида ИЛ-1, ИЛ-6 ва лактоферрин даражаси**


Кўрсаткичлар		Соғлом шахслар n=18	COVID-19 билан касалланганлар n=119
Интерлейкин 1	Қон зардобиди нг/мл	8,31±0,62	25,52±2,12*
	Оғиз суюқлиги пг/мл	213,9±11,7	934,12±13,51*
Интерлейкин- 6	Қон зардобиди нг/мл	7,51±0,56	16,38±2,27*
	Оғиз суюқлиги пг/мл	53,4±4,81	49,84±3,93
Лактоферрин	Оғиз суюқлиги пг/мл	1,56±0,11	3,14±0,25*

**Изоҳ:** \* - назорат гуруҳи билан солиштирилганда фарқларнинг ишончлилиги  $P < 0,05$

Соғлом одамларда оғиз бўшлиғи шиллик кавати суртмалари микроскопик текширилганда турли хил ҳужайравий элементлар аниқланди. Оғиз шиллик каватининг эпителий ҳужайралари, нейтрофиллар, лимфоцитлар, эритроцитлар, эпителиоцитлар, эпителиоцитларнинг яланғоч ядролари ва фибробластлар топилди. Эпителий ҳужайраларининг турлари хилма-хил бўлди, бу афтидан шиллик кават эпителийсининг юқори репаратив қобиляти ҳисобига кузатилди, сон бўйича иккинчи ўринда нейтрофиллар учради, ушбу ҳужайралар туфайли шиллик каватнинг ташқи инфекцияга маҳаллий қаршилиги амалга ошади. Текширилган COVID-19 билан касалланган одамларда соғлом одамлардаги каби ҳужайравий элементларнинг мавжудлиги ва миқдори баҳоланди.

Цитологик текширувда шу нарса аниқландики, касалликнинг ўртача оғирлиги бўлган беморларда лунж эпителийсининг суртмасида ҳужайралар кам миқдорда учради. Улар асосан диффуз ётади, уларнинг асосан I типдаги оралик ҳужайралардан иборат бўлган кичик тўпламлари аниқланди. Якка-якка бўлиб жойлашган ҳужайралар орасида микроядроли ва ядро протрузияси бўлган эпителий ҳужайралари аниқланди.

Шунингдек, суртмада юзаки ҳужайралар оралик ҳужайраларга нисбатан устунлик қилди. Барча ҳужайраларнинг ядролари гипохром бўлиб, кариолизис туфайли ядросиз ҳужайралар мавжуд бўлган. Ядронинг “синган тухум” шаклидаги протрузияси бўлган оралик ҳужайралар ҳам аниқланди. Қайд этилган ўзгаришлар лунж эпителий ядроларида цитогенетик ва деструктив жараёнлар мавжудлигидан далолат беради.



**6-расм.** Кариолизис, 40x2x10. “синган тухум” шаклидаги ядро протрузияси бўлган оралик ҳужайралар

Ўтказилган тадқиқот шуни аниқлашга имкон бердики, коронавирус инфекцияси бўлган беморларда лунж эпителийси ядролари тузилишида турлича ўзгаришлар доимо аниқланади. Улар орасида цитогенетик бузилишлар мавжуд бўлиб, улар касалликнинг ўртача оғирлиги бўлган беморларда кўпроқ учрайди. Худди шу гуруҳдаги беморларда лунж шиллик кавати эпителиал ҳужайраларининг пролифератив фаоллиги ошгани кузатилади. Касаллик билан оғир оғриган беморларнинг кўпчилигида цитогенетик бузилишлар ҳам аниқланди. Бундан ташқари, уларда лунж эпителийси эпителиоцитлари ядролари деструкциясининг бошланғич ва охириги фазаларидаги цитологик белгилар ҳам қайд этилади (6-расм).

COVID-19 билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғида микробларнинг кўпайиши кузатилди. Шунини таъкидлаш керакки, соғлом одамларда оғиз бўшлиғида лактобактериялар ва стрептококклар мувозанати мавжуд, аксинча, COVID-19 билан касалланган беморларда микробиологик ҳолат *Candida* замбуруғлари штаммларининг сезиларли устунлиги томон ўзгарган (20,0%), *St aureus* (12,0%), *Strep pyogenes* (36,0%). Бундай ҳодисалар табиий равишда оғиз бўшлиғида субкомпенсацияланган дисбиёз ҳолатини ривожлантиради, бу камида иккита патоген турнинг мавжудлиги билан тавсифланади ва касалликнинг клиник кечиши учун ноқулай омил ҳисобланади. COVID-19 билан касалланган беморларда деярли барча биотоплар, айниқса танглай колонизациясида силжишлар кузатилди, лактобактерияларнинг колонизацияси сезиларли даражада пасайди ( $1,10 \pm 0,05$ ). *Escherichia* ( $2,60 \pm 0,10$ ) ва *Klebsiella* ( $2,30 \pm 0,11$ ) каби грамманфий микроорганизмлар томонидан колонизациянинг ортиши, шунингдек, *Candida* замбуруғлари ( $3,10 \pm 0,10$ ), стрептококклар ( $3,10 \pm 0,10$ ) ва стафилококклар ( $3,40 \pm 0,13$ ) колонизациясининг ишонarli ортиши кузатилди. (3-жадвал)


3 жадвал

**COVID-19 бўлган беморларда оғиз биотопларида микробларнинг колонизацияга чидамлилиги хусусиятлари  $M \pm m$  КОЕ / см<sup>2</sup>**

Микроблар гуруҳи	Оғиз бўшлиғи майдони			
	Милк	Тил	Лунж	Танглай
<b>Lactotobacterium</b>	$2,20 \pm 0,08$	$1,30 \pm 0,05$	$2,10 \pm 0,10$	$1,10 \pm 0,05$
<b>Strep.salivarius</b>	$3,10 \pm 0,14$	$3,10 \pm 0,16$	$1,30 \pm 0,06$	$3,10 \pm 0,10$
<b>Strep.mutans</b>	$2,10 \pm 0,04$	$3,00 \pm 0,19$	$1,30 \pm 0,05$	$2,10 \pm 0,07$
<b>Strep.mitis</b>	$2,10 \pm 0,06$	$2,10 \pm 0,07$	$1,15 \pm 0,04$	$2,20 \pm 0,09$
<b>Staphylococcus</b>	$3,60 \pm 0,18$	$4,10 \pm 0,21$	$3,10 \pm 0,11$	$3,40 \pm 0,13$
<b>Escherichia coli</b>	$2,10 \pm 0,13$	$2,30 \pm 0,10$	$2,10 \pm 0,07$	$2,60 \pm 0,10$
<b>Klebsiella</b>	$1,60 \pm 0,07$	$2,10 \pm 0,11$	$2,10 \pm 0,12$	$2,30 \pm 0,11$
<b>Candida забруғ гуруҳи</b>	$3,15 \pm 0,12$	$4,10 \pm 0,22$	$4,00 \pm 0,20$	$3,10 \pm 0,10$

**Изоҳ:** \* лактобактерияларнинг колонизацияси сезиларли даражада пасайиши  $1,10 \pm 0,05$

Оғиз бўшлиғини носпецифик ҳимоя қилиш омиллари кўрсаткичларидан биз қуйидаги кўрсаткичларни ўргандик: секретор иммуноглобулин А (sIgA), лизоцим титри ва фагоцитоз индекси.



**7 расм COVID-19 беморларда оғиз бўшлиғини ҳимоя қилишнинг маҳаллий омилларининг ҳолати**

